

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба	91
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ф.Орипжонова А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини	101
В.Аҳмедова Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир	109
Г.Муҳаммаджонова Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117

ТИЛШУНОСЛИК

Н.Муродова Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов Антропонимлар дискурс релеванти сифатида	130
Н.Т.Махмудова Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати	133

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Х.Максудов Элнинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев Асқар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили	145
С.Усмонова Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажонов Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари	152
О.Хасанова Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160

ҚОНУН ВА ИЖРО

А.Ўринов “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163
--	-----

УДК: 41+398+398.9

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ФОЛЬКЛОРИЗМ

(Тўра Сулаймоннинг «Қорасоч» достони мисолида)

ФОЛЬКЛОРИЗМ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

(на примере романа и «Карасач» Туры Сулаймона)

FOLKLORISM IN MODERN UZBEK LITERATURE

(In The example of the poem "Kerasesch" by Touyra Sulayman)

А.Турдиев

Аннотация

Мақолада фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, хусусан, «Қорасоч» достонидаги оддий ва мураккаб фольклоризмларни аниқлаш, асардаги халқчиллик, миллийлик ва умумтуркий оғзаки ижод намуналарининг аҳамияти, Т.Сулаймоннинг фольклордан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуллари, санъаткорлик маҳорати, индивидуал ижодкорга фольклор анъаналарининг таъсири масалалари қамраб олинган.

Аннотация

В статье рассматривается взаимосвязь фольклора и письменной литературы, в частности, выявлены простые и сложные фольклоризмы, народные мотивы в эпосе «Корасоч», обоснована важность общетюркских образцов устного народного творчества, рассмотрены способы и методы творческого использования фольклоризмов в произведениях Тура Сулеймона, вопросы влияния фольклорных традиций на произведения конкретных авторов.

Annotation

The article discusses about the relationship between folklore and written literature, in particular, it reveals the simple and complex folklorisms, folk motives in the epic "Korasoch", proves the importance of common Turkic samples of oral folk art. Beside the author discloses the ways and methods of creative use of folkloristic traditions in the works of Tura Suleiman and the influence of folklore to the works of specific authors.

Таянч сўз ва иборалар: фольклоризм, мақол, лиро-эпик асар, асл оддий фольклоризм, қайта ишланган оддий фольклоризм, мураккаб фольклоризм, аналитик фольклоризм, стилизация фольклоризм, жанр стилизацияси, ритм стилизацияси, образ стилизацияси, мотив стилизацияси, олқишлар ва қарғишлар, алла, халқ иборалари, саж, сажу мутавозий, сажу мутавозин, равий.

Ключевые слова и выражения: фольклоризм, пословица, лиро-эпическое произведение, оригинальный простой фольклоризм, обработанный простой фольклоризм, сложный фольклоризм, аналитический фольклоризм, стилизованный фольклоризм, жанровая стилизация, стилизация ритма, стилизация мотивов.

Keywords and expressions: folklorism, proverb, lyric and epic work, original simple folklorism, processed simple folklorism, complex folklorism, analytical folklorism, stylized folklorism, genre stylization, rhythm stylization, motive stylization.

Туркий халқлар учун беқиёс муштарак манба бўлмиш «Девону луғатит-турк»да «баш», яъни «яра» сўзини изоҳлашда Маҳмуд Кошғарий куйидаги мақолни қўллаган: «*Кўни барир кейикнинг кўзидан адин баши йўқ*» (Маъноси: Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ. Яъни «ҳақиқатда кўзи яра эмас», демакдир. Оғир аҳволга тушиб қолиб, ҳар кимнинг маълوماتига йўлиққан киши ҳақида айтилган)[1,374].

Минг йиллар оша яшаб келаётган мазкур мақолдан Ўзбекистон халқ шоири, йигирмадан ортиқ шеърини ва насрий китоблар муаллифи Тўра Сулаймон «Қорасоч» достонида ўринли фойдаланиши натижасида асл оддий фольклоризм ҳосил бўлган:

«– *Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ*. Ҳақмиз. Ҳақлигимизча қоламиз. Ҳадемай ой бир томондан қўниш бериб қолар.

Сабр туби – сара олтин, сабрли етар муродга. Менда, ёши улуғ бўлса

ҳам қийинчиликни бўйнига олиб, Бегмат бобо бош чўпон бўлсин, деган таклиф бор. Кўз-қош бўлиб турса бас, у ёғи – бизтан»[2,9].

«Қорасоч» достони Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларидаги кишилар ҳаёти, хусусан, эрини урушга кузатган навжувон Қорасочнинг соғинч изтироблари, кейинчалик фермага мудирлик қилиши, ҳалоллиги, ҳаёси, мураккаб вазиятларда ўзлигига, инсонийликка содиқ қолиши ҳамда тунни кунга улаб чеккан заҳматлари самараси сифатида Ўринбой исмли ўғлининг бахтга етишуви ҳақида. Мазкур лиро-эпик асарни бошдан-охир оддий ҳамда мураккаб, хусусан, аналитик ва стилизация фольклоризмлардан иборат дейиш мумкин. Асар халқ дostonлари таъсирида ёзилиши натижасида жанр стилизацияси юзага келган. Воқеалар ривожининг баёнида халқ

А.Турдиев – ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тадқиқотчиси.

достонларига хос услуб қўлланилиб, ритм стилизацияси ҳосил бўлган:

Шундай омон-омонда,
Тўкинчилик замонда
Фашист деган ялмоғиз
Урушдан очди оғиз.

Халқона оҳангдаги мазкур тўртликда “ялмоғиз” образи қайд қилиниши натижасида образ стилизацияси қўлланган ҳамда достон бошида келтирилган шу биргина тимсол натижасида урушнинг қанчалар мудҳиш воқеа эканлиги ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантирилган. Зеро “ялмоғиз” образи асрлар давомида халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг қўлланилган ва каттаю кичик онгига ёвуз кучлар тимсоли сифатида муҳрланган. Халқнинг генига махсус код бўлиб сингиб кетган мана шу биргина тушунчани асар бошламасидаёқ қайд этаркан, муаллиф, биринчидан, уруш даҳшатини яққол ифодалайди, қолаверса, ўқувчини воқеалар ичига осон олиб кириб кетади.

Т. Сулаймон “Қорасоч” достонидаги персонажлар нутқида халқ мақолларини кенг қўллаш орқали диологлар таъсирчанлигини, хаётийлигини таъминлаган ва шу тариқа асл ва қайта ишланган оддий фольклоризмлар юзага келган.

Маълумки, муайян ижодкор томонидан халқ мақолларининг айнан ўзгаришсиз ишлатилиши натижасида асл оддий фольклоризмлар ҳосил бўлади. Масалан, юқорида қайд этилган парчадаги “*Сабр туби – сара олтин*” мақолининг қўлланилиши фикримизни далиллайди. Достон бошида айнан мана шу мақолнинг келтирилишини асар қаҳармонлари сабр билан охир-оқибат мурод-мақсадига етишига ишора сифатида ҳам тушуниш мумкин.

Эътиборли жиҳати, муаллиф асардаги аксар ўринларда шундай мақоллардан фойдаланганки, улар нафақат бугунги ўзбек миллатининг балки, умумтуркий халқларнинг бебаҳо оғзаки ижод намунаси сифатида яшаб келмоқда. Бу жиҳат “Қорасоч” достонининг ўқувчилар географияси кенгайишига хизмат қилган. Фикримиз исботига достонда асл оддий фольклоризмлар ифодаланган айрим парчаларни келтириб ўтсак:

“– *Бизни қора тортиб келган бўлсаларинг уйимизнинг тўри сизларники, чироқларим.*

Бўғдой нонимиз бўлмаса, бўғдой сўзимиз. Элга эл келса – давлат. Меҳмон – ўз ризқи билан. Ялпиздан тўшакларингиз, какликдан кўйларингиз. Қутлуғ бўлсин Оқтовимизга келиб қилган муборак тўйларингиз”[2,35].

Юқоридаги парчада келтирилган “*Бўғдой нонинг бўлмаса, бўғдой сўзинг бўлсин*” мақоли Ўрта Осиё халқлари томонидан кундалик муомалада узоқ ўтмишдан буён фаол ишлатилиб келинади. Жумладан, Онадўли турклари томонидан “*Арпа екмеѓин (unun) yoksa tatli dilinde mi yok*”[3,236] тарзида қўлланади.

“– *Бир туққандан, бир тутингандан, ота-онанг ўлса ўлсин, қадрдонинг ўлмасин. Чиқмаган жондан умид. Аввало, кўраси кўним бўлсин. Йўқ, киндик қоним томган гўшани қайта кўриш энди менга насиб қилмаса, ўз туѓишганимдай бизнинг уйдагилар билан мулоқатда бўлиб тур. Мендан қайтмаса, кўпдан қайтсин. Дунё тургунча тур*”[2,47].

Парчадаги “*Чиқмаган жондан умид*” мақоли Онадўли турклари лафзида “*Їiktadik candan ümit var (dir)*”[3,57] шаклида қўлланиб келинмоқда. Шунингдек, “*Мендан қайтмаса, кўпдан қайтсин. Дунё тургунча тур*” жумлалари ҳам аналитик фольклоризм саналиб, бу ҳақида куйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз.

“*Колхоз боѓининг бир чеккасида эса ўйинқароқ ўсмирлар “Ким ўзар”дан сўнг “Қулоқ чўзма” ўйнашиб, кураш бошланишидан олдин ўз кучига ишонмаганлари раќибини синашиб, алп санаб ўзини, магар бежо ўйқилса жавдиратиб кўзини, ўйқилган курашга тўймас, дегандай қайта беллашиб, энтикиб, ҳаллослашиб обдон толиққач, навбатни “От ўйини”га бериб, бири дўнан бўлиб кишнаб, яна бири чавандоз бўлиб пишнаб, от кимники – минганники, зот кимники – солинни олганники, дея ғирром ўйнаганлари “Куй ўзимдан” демагунича, “Дуп-дуп”га кўшмай, тараф-тараф ярашмай, бир томон ғолиб келмагунча тарқалишга унашмай ёшлик-оташлик чоғларини намойиш қилиш билан овора*”[2,67].

Келтирилган мисолда “*Ўйқилган курашга тўймас*” мақоли туфайли асл оддий фольклоризм юзага келган, “*От кимники – минганники, зот кимники – солинни олганники*” жумласида “*От – минганники, тўн кийганники*” мақолига шоир томонидан ижодий ёндашув натижасида эса қайта ишланган оддий фольклоризм ҳосил бўлган. Айни мақол Онадўли туркчасида “*At binene, kürk giyene*”[3,49] тарзида қўлланилади.

Одатда ижодкорнинг маҳорати қайта ишланган оддий фольклоризмларда тўлароқ намоён бўлади. Яъни ижодкор халқ мақолларини мазмунан сақлаган ҳолда шаклан ўзгартириб қўллайди. Эътиборли жиҳати, мазкур ўзгариш мақол моҳиятини, қийматини, поэтик хусусиятини заррача камайтирмайди, аксинча, шоирнинг истеъдоди ва туйғулари

туфайли мазмунан янада бойитилади. Жумладан, “*Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу*”, “*Йўл азоби – гўр азоби*” мақолларига дostonдаги *Қайга борсанг, бордир тошу тарози. Гўр азоби каби йўлнинг дарози*”[2, 51], сатрларда ўзига хос янгиша шакл берилган.

“*Салом каттадан, алиф нуқтадан. Шунчалик бизнинг юзи-хотиримизни қилибдики, умридан барака топсин. Олимдан ақл чиқади, нодондан не?*”[2, 60] парчасида “*Сув кичикдан, сўз каттадан*” мақоли қайта ишланган. Мазкур мақол Онадўли туркларидан “*Su küçüğün, sofr (söz) büyüğün*”[3, 91] тарзида бугун ҳам кенг қўлланиб келинади.

“*Айтган ердан қолиш – марднинг ишимас. Тўйга сиз ҳам келинг, дўстим, илтимос*”[2, 63] мисраларида “*Айтилган ердан қолма, айтилмаган ерга борма*” мақолига ижодий ишлов берилган. Мазкур мақол туркий халқлар орасида қадимдан кенг тарқалган бўлиб, хусусан, Онадўли турклари “*Çağrılan yere erinme, çağrılmayan yere görünme*”[3, 44] тарзида ишлатади.

“Қорасоч” достонида асл оддий фольклоризмларга ўнлаб мисоллар топиш мумкин. Асарда, жумладан, “*Минг қарғага бир кесак*”, “*От босган ерни той босар*”, “*Ит такдан тортади, ёв ёқадан*”, “*Йиғлай-йиғлай ариқ қазган ўйнаб-кулиб сув ичар*”, “*Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп*”, “*Арғамчига – қил қувват*”, “*Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ*”, “*Бошга тушганни кўз кўрар*”, “*Тенг-тенги билан, тезак қопи билан*”, “*Илм-ақл чироғи*”, “*Зар қадрига заргар етар*”, “*Ҳар ернинг кийигини ўз тозиси овлар*”, “*Маслаҳатли тўй – тарқамас*”, “*Эзгуликнинг кечи йўқ*”, “*Йиқилган курашга тўймас*”, “*Яхши сўзга илон ҳам унидан чиқар*”, “*Камтарликнинг камоли бор, манманликнинг заволи*”, “*Бирники мингга, мингани туманга*” сингари мақолларни деярли ўзгаришсиз қўллаш орқали шоир қахрамонлар нутқи таъсирчанлигини ошириш баробарида образларга миллий характер бера олган. Муҳими, Т.Сулаймон асарларида фольклор намуналаридан шунчаки бадий безак сифатида фойдаланмаган, балки мақолларни асарнинг ажралмас узвиги айлантира олган.

Бундан ташқари, асарда қайд этилган “*Ойда-йилда бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар*”, “*Оқ товук сомон сочар, ўз айбини ўзи очар*”, “*Сулаймон ўлиб, девлар қутулди*”, “*Мен нима дейман, қўбизим нима дейди*”, “*Болали уй бозор*”, “*Шаҳар кўрган эчкидан кўрқ*”, “*Онали етим – гул етим*”, “*Ҳар ким суйган ошини ичади*”, “*Қиш келди деб қувонма – аёзи бордир,*

эшон келди деб қувонма – ниёзи бордир”, “*Кўз-кўнғилнинг ойнаси*”, “*Эт – этга, шўрва – бетга*”, “*Эгасини сийлаган итига суюк ташлабди*”, “*Маишати як нафас давлати Сулаймон*” каби иборалар ижодкор халқ тилини қанчалар пухта билишини кўрсатади. Қолаверса, дostonнинг халқоналигини ошириб, равон ўқилишини таъминлайди.

Т. Сулаймон ижодига хос бўртиқ хусусиятлардан яна бири унинг халқона ҳикматлар ёза билишида кўзга ташланади. Хусусан, “Қорасоч” достонидаги “*Қийшиқ арава йўл бузар, нияти ғирром эл бузар*”, “*Қуш қаноти билан, чавандоз оти билан*”, “*Сувнинг тинч оққанидан кўрқ, одамнинг ерга боққанидан*”, “*Ўғилники – ўйин билан, қизники – қийин билан*”, “*Мунофиқнинг бурди йўқ*”, “*Элга эл келса – давлат, элдан эл кетса – меҳнат*”, “*Касби улуг кам бўлмас*”, “*Эп эп билан, кели сопи билан*”, “*Ҳар гулнинг ҳиди бошқа, ҳар кимнинг диди бошқа*” сингари қўйма сатрлар халқ мақолларига уйқаш бўлиб кетган.

Дostonда шоир халқ олқишлари ва қарғишларидан фойдаланиб, аналитик фольклоризмлар ҳосил қилган. Бу жиҳат ҳам асарга халқона руҳ ва ифода бағишлашда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, халқнинг “*Мартабанг улуг бўлсин!*” олқишини “*Умрингга иқбол эш бўлсин. Мартабанг кундан пеш бўлсин!*” байтига сингдиради. Шунингдек, “*Дунё тургунча тур!*”, “*Зоелик кўрма, қизим!*” каби олқишлар дostonдаги образлар миллий менталитетини яққол англатади. “*Ўлим аримай ёвдан жойи жаҳаннам билан нақ очик мозор бўлсин...*” сатридаги қарғиш эса мураккаб фольклоризм сифатида истифода қилинган.

Дostonдаги аналитик фольклоризмлар ҳақида гап кетганда халқ аллалари туркумидаги мисраларни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли:

Алла бўл, қулуним, алла.

Ризқ-рўзи бутуним, алла.

Бироз олай тиним, алла.

Алла бўл, тойчоғим, алла[2, 14].

Келтирилган тўртликда фарзандини “қулуним”, “тойчоғим” дея халқ оғзаки ижодига хос эркалаш билан атаган она унинг ризқ-рўзи бутун бўлиб улғайишини тилайди. Бу жиҳат асар янада халқчил бўлишига хизмат қилган.

Дostonдаги мураккаб фольклоризмлар намунаси сифатида мотив стилизациясини ҳам қайд этиш мумкин:

“*Ойдан ой, кундан кун ўтиб, Қорасочнинг вақти соати етиб, соатмас, саодати етиб кўчқордай ўғил кўрди.*

Отаси омон қайтгунча ўрнини билдирмайтурсин деб, боланинг отини Ўринбой қўйдилар[2, 14].

Оилабоши узоқ сафарда бўлган хонадонда ўғил туғилса, отасига муносиб издош бўлсин учун чақалоқлар Ўринбой, Ёдгор каби исмлар билан аталиши халқ эртаклари ва дostonларида кўп учрайди. Бу ўринда туркий қавмларнинг буюк эпоси саналган “Алпомиш” дostonида етти йиллик сафарга кетган Алпшнинг ўғлига Ёдгор деган ном қўйилишини эслаш кифоя.

“Қорасоч” дostonининг оҳангдорлиги ва жозибасини оширган яна бир муҳим жиҳат – насрий қисмларининг халқ дostonларига тақлидан сажъ усулида ёзилганидир:

*“Эртами индин ўз нуридийдаси билан,
умрининг маъноси билан, ўтирганда ўрни бори
билан, юрганда йўли бори билан, елкали
Алпони билан, самода чўлпони билан хайр-
хўшлашувчи кексаларнинг гапи шундай бўлиб
ётди:*

*– Тош отганга тош отгин, тошинг ерга
тушмасин. Кези келса қақшатгин, то
ҳаддидан ошмасин. Қийшиқ арава йўл бузар,
нияти фирром эл бузар. Бузғиндан келган
балоба эр кўкси қалқон бўлсин, ҳақлар иши
ўнғалиб, балобан келиб ғолиб, наълати ёв
қаноти қайрилиб, яксон бўлсин!”*

Парчадан ўрин олган “Алпони-чўлпони”, “тушмасин-ошмасин”, “йўл-эл”, “қалқон-яксон” сўзлари орқали соф сажъ, яъни сажжи мутавозий юзага келган. Шунингдек, “ўнғалиб-

ғолиб” сўзларида “б”, “ўрни-йўли”да “и”, “тош отгин – қақшатгин”да “т” товуши равий сифатида оҳангдошликни юзага келтирган ва натижада сажъи мутавозин пайдо бўлган. Бу ҳолат дostonнинг равон ўқилишини таъминлаб, воқеалар баёнига шиддат бағишлаган.

Хулоса қилиб айтганда Т.Сулаймоннинг “Қорасоч” дostonи оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келган асар сифатида алоҳида аҳмиятга эга. Шоир фольклоризмлардан дoston таъсирчанлигини, халқчиллигини ва миллийлигини оширишда, қаҳрамонлар характерини очиб беришда кенг фойдаланган. Айниқса, шоир қўллаган аксар мақоллар нафақат ўзбек халқининг, балки умумтуркий оғзаки ижоднинг бебаҳо намуналари эканлиги уларнинг маънавий қийматини янада оширади.

Дostonда оддий ва мураккаб фольклоризмлар кўп учрайди ҳамда ҳар бири ўзида фольклор ва адабиёт муносабатларининг бадий тадрижини акс эттиради. Шунингдек, фольклоризмларни фаол қўллаш орқали Т.Сулаймон фольклор намуналарини унутилиб кетишдан ҳимоялашга муносиб ҳисса қўшган.

Фольклоризмлар таъсирида реалистик талқин билан романтик талқин ўзаро бирлашиб кетгани “Қорасоч” дostonига ўзгача оҳанг ва жозоба бағишлаган.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Кошғарий Девону луғати-т-турк Туркий сўзлар девони. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент 2017.
2. Тўра Сулаймон. Қорасоч. Тошкент бадий адабиёт нашриёти. Тошкент 1965.
3. Aydın Oy: Tarih Boyunca Türk Atasözleri, İst. 1972.
4. Ö. Asım Aksoy: Bölge Ağızlarında Atasözleri ve Deyimler, Ank. 1969.

(Тақризчи: Х.Жўраев – филология фанлари доктори).